

## «Арбаъин» танлови яқунланди



20:10 / 07.02.2021 2262

Кеча «Ҳилол-нашр» нашриётининг мажлислар залида шеърят мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига бағишлаб ташкил қилинган «Арбаъин» танловининг аёл-қизлар ўртасидаги мусобақаси ўтказилган эди.

Бугун, 7 февраль куни ушбу «Арбаъин» танловининг эркаклар ўртасидаги мусобақаси ўтказилди.

Image not found or type unknown



Мусобақа анъанага мувофиқ, Қуръони Карим тиловати билан бошланди. «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жоме масжиди имом ноиби Ҳасанхон Яҳё Абдулмажиднинг гўзал тиловатидан сўнг хайрли дуолар қилиниб, «Арбаъин» танлови очиқ деб эълон қилинди.

Image not found or type unknown



Мусобақа иштирокчиларини қуйидаги таркибдаги ҳакамлар ҳайъати баҳоладилар:

**Устоз Иброҳимжон домла Қодиров**, «Саодат» жоме масжиди имом-хатиби.

**Устоз Сайфиддин Сайфуллоҳ домла**, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.


**Абдумурод Тилавов**, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети доценти.

**Отахон Муҳаммад ўғли**, муҳаддис олим.

**Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид**, «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф»  
жоме масжиди ноиби.

**Ақром Малик**, навоийшунос олим.

*Image not found or type unknown*



Мусобақада қатнашиш учун рўйхатдан ўтган иштирокчилар дастлаб саралаш босқичидан ўтишди. Танловда ҳар бир иштирокчининг чиқишлари ҳакамларимиз томонидан 100 баллик тизимда баҳолаб борилди.

**Танлов қуйидаги йўналишларда ўтказилди:**

**Биринчи йўналиш:** ҳадисларнинг ўзбекча таржимаси ва тўртликларни ифодали ёддан айтиб бериш.

Ушбу йўналиш бўйича Тошкент вилоятидан **Ҳабибулло Ўринбоев биринчи ўринга сазовор бўлиб, ғолибимиз** мусҳаф, фазилатли шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳнинг «Тафсири Ҳилол» китоблари, «Ҳилол» журнали, диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

**Иккинчи ўрин эса Фарғона вилоятидан Исфандиёр Зокиржоновга насиб этди.** Ғолибга мусҳаф, «Одоблар хазинаси», «Ҳилол» журнали, диплом ва эсдалик совғалар топширилди. Совғаларни Сайфуллоҳ домла ғолибимизга топширдилар.

**Фахрли учинчи ўринни эса Нодирбек Муродуллаев эгаллади. Бу ғолибимиз ҳам** мусҳаф, «Руҳий тарбия», «Ҳилол» журнали, диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

**Иккинчи йўналиш:** ҳадиснинг ўзбекча таржимаси ва арабча матни ҳамда уни ровийлари, шунингдек, тўртликларни ифодали ёд олган ҳолда айтиб бериш.


Ушбу йўналиш бўйича олий ўрин Тошкент шаҳридан **Абубакр Баратовга насиб этди.** Ғолибга мусҳаф, фазилатли шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳнинг «Тафсири Ҳилол» китоблари, «Ҳилол» журнали, диплом ва эсдалик совғалар топширилди.



**Иккинчи ўринни эса Қурбон Исматов эгаллади.** Бу ғолибимизга мусҳаф, «Одоблар хазинаси», «Ҳилол» журнали, диплом ва эсдалик совғалар берилди. Совғаларни Сайфиддин домла топширдилар.

**Фахрли учинчи ўрин Тошкент шаҳридан Достонбек Султоновга насиб этди. Учинчи ўрин соҳибига** мусҳаф, «Руҳий тарбия», «Ҳилол» журнали, диплом ва эсдалик совғалар топширилди. Ушбу мукофотни Абдумурод Тилавов топширдилар.


Image not found or type unknown



Шунингдек, танловнинг барча иштирокчилари махсус эсдалик совғалар билан тақдирландилар. Совғаларни Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид ва Ақром Малик топширдилар.

Ҳакамлар ҳайъатига ҳам Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги муносабати билан ўтказилган «Арбаъин» танловидаги хизматлари учун самимий миннатдорлик изҳор этилиб, [islom.uz](http://islom.uz) портали томонидан шайх Муҳаммад содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимахуллоҳнинг асарлари ва ташаккурномалар топширилди.

Image not found or type unknown



Мусобақа islom.uz порталининг ижтимоий саҳифаларида тўғридан-тўғри эфирга узатилди. Шунингдек, ахборот ҳамкоримиз «Kun.uz» сайти ҳам танлов жараёнини кенг оммага ёритишда хизмат қилди.

Қувонарлиси шуки, танлов ҳақида эълон берилгандан сўнг, 2000 га яқин киши «Арбаъин» танловида қатнашиш истагини билдирди. Бу эса халқимизнинг мумтоз адабиётга қизиқишидан, ҳадис ва тўртликларни севиб ёд олаётганидан далолат беради. «Арбаъин» асарини, ҳадиси шарифларни ёд олган ёки ўқиган киши динимизнинг эзгуликка, ахлоққа асосланганига гувоҳ бўлади, оят-ҳадислар ҳар бир инсоннинг ҳаёти учун муҳим эканлигини кўрсатади.

«Улуғ бобомиз Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳ ва у кишига ўхшаш мумтоз адабиёт намояндаларининг асарларини қанча кўп ўрганилса, шунча кам. Зеро, уларнинг асарлари битмас-туганмас зиё манбаидир», деб таъкидлаган эдилар фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳ.

Islom.uz портали раҳбарияти ҳамда ижодий жамоаси танловда қатнашган барча иштирокчиларга самимий миннатдорчилик билдиради.

Аллоҳ таоло барча хайрли ишларимизни бардавом қилсин!

***Islom.uz сайти***